



Ал-Бувейб жанги (1-кисм)

13-хижрий йил Рамазон ойининг 12-санасида (634 йил 9 ноябрь) Мусанна ибн Харис бошчилигидаги 12 минг кишилик ислом кўшини билан Михрон бошчилигидаги 150 минг кишилик форслар кўшини ўртасида ал-Бувейб жанги бўлиб ўтган. Улар каторида сахобалар ҳам кўп бўлган шавкатли мусулмон жангчилари душманни какшаткич маглубиятга учратади. Форсларнинг йўқотишлари шу қадар жиддий (юз мингдан ортиқ киши) эдики, жанг майдони "ўнлар майдони" деб аталган: юз жангчи ҳар бири найзалари билан ўнлаб душманни ўлдиргани билан мактанади. Бу жангдаги галаба мусулмонлар учун катта психологик аҳамиятга эга бўлди.

Ҳап шундаки, ал-Бувейб жангидан атиги икки ҳафта олдин форслар Хирадан

Ктесифхонгача бўлган йўлдаги Кус ан-Натифда «Кўприк жанги»да мусулмонларга огир (ва ягона) маглубият етказишган. Жанг майдонида кўмондон Абу Убайд ибн Масъуд ал-Сакофий ўлдирилди. Мусулмонлар кудратли Аллохнинг инояти билан, ундан кейин Мусанна ибн Харис ва унинг гурухи рухияти юкорилиги сабабли, куршовдан кочиби кутилишга муваффақ бўлдилар. Огир яраланганига карамай, Мусанна кўшинни тартибга солди ва барча аскарлар Фрот устидан қайта тикланган кўприкдан ўтгунга қадар форсларнинг босимини тўхтатиб турди. Форсларнинг бош кўмондони Бахман жангдан мусулмон омон колганларни таъкиб қилмасликка қарор қилди, чунки шу пайт унга ал-Медаиндаги кўзголон ҳақидаги хабар етиб келди. У режасидан воз кечиби, отамерос мулкига шошилди.

Умар ибн Хаттоб розияллоху анху маглубият ҳақидаги хабарни хотиржам қабул қилди. У мадиналикларга қуйидаги сўзлар билан мурожаат қилди: "Албатта, мен душман билан юзма-юз келган ҳар бир мўминнинг ҳимоячисиман, ҳатто у муваффақиятсизликка учраган бўлса ҳам. Абу Убайдани Аллох раҳмат қилсин ва уни магфират қилсин! Агар у омон қолиб, қандайдир кум тепалигида бошпана топган бўлса ҳам, мен уни, албатта, ҳимоя қилардим. "Шундан сўнг халифа Форс билан урушга кўнгиллиларнинг оммавий сафарбарлигини эълон қилди.

Бу орада Мусанна кўл остидаги мусулмон кўшинининг қолдиқлари Уллаисга чекинди. Бу ерда улар ўз қучларини қайта тиклашга ва кўнгиллиларни ёллашга муваффақ бўлдилар. Тез орада Мусанна унга қарши улкан кўшин тўпланаётгани ҳақида хабар топади. Бу эса, мусулмонларнинг руҳини кўтаради, ҳолос. «Уларга қишилар: «Албатта, одамлар сизга қарши қуч тўпладилар, улардан кўркинлар», деганда, бу уларнинг иймонларини зиёда қилди ва: «Бизга Аллохнинг Ўзи етарли ва У қандай ҳам яхши вакил!», дедилар» (Оли Имрон, 173)

Мусанна Фротнинг гарбий соҳилига ал-Бувейб томон ҳаракатланади. У ерда бўлгуси Қуф шаҳрига яқин бўлган жойда рақибни кўприкка келаверишда қута бошлайди. Халифа Умар Кус ан-Натифда рўй берганидек, якуний ғалабагача дарёдан ўтиб, одамларини ҳатарга қўймаслик ҳақида оғохлантиради. "Мўмин бир тешиқдан икки марта қақилмайди" ҳадисини эсда тутган ва халифанинг буйругини бажарган ҳолда, Мусанна душман кўшинининг кўприкдан бемалол ўтиб олишига имкон беради. Форслар учта йирик колонна билан ҳаракат қилиб, ҳар бирининг бошида пиёда аскарлар ҳамроҳлигида фил борарди. Уларнинг 150 минг қишилиқ кўшини қатта шовқин билан ҳаракат қиларди. Мусаннанинг буйругига биноан мусулмон жангчилари Рамазон рўзасини бузиб, ҳал қилувчи жанг олдидан тўлақонли овқатланиб, ўзларини мустаҳкамладилар. Мусанна ўзининг севимли отига саф бўйлаб миниб, жангчиларини ўзларини ҳақиқий эркакдай кўрсатишга даъват этди: "Бу қундаги шавкатингиз афсонавий бўлиши керак! Ўлимнинг ўзи қаби хотиржам бўлинг! Бир-бирингизга мурожаат қилсангиз, пичирлаб гапиринг! Бугун жанг майдонидан ҳеч биримиз қочмаймиз!" Мусулмонлар шунга ўхшаш сўзлар билан жавоб берди, чунки улар бош кўмондонини жудаям яхши кўришарди.

Абу Муслим таржимаси